

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ ҲУКМИ

2023 йил 23 март куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Д.Ражабов,

судлов ҳайъати судьялари М.Юсупов ва О.Мухаммадиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчилари А.Матёкубовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори М.Мираъзамов ва М.Комилов, судланувчилар СРА, ПАА ва уларнинг ҳимоячиси “ORIGINAL LEGAL AID” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Қаландарованинг иштирокида, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 26.01.2023 йилдаги ҳукмига кўра,

СРА, 13.01.1982 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, муқаддам судланган:

- 1) Фарғона вилоят Боғдод туман судининг 22.11.1999 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисми “а, в” бандлари билан 3 йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 2) Андижон вилоят Қорасув туман судининг 19.10.2000 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари, 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖК 59-моддаси тартибида 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 28.08.2000 йилдаги Президентнинг “...амнистия тўғрисида”ги Фармониغا асосан тайинланган 1/3 қисмига қисқартирилган, жиноят ишлар бўйича Бўстонлик туман судининг 07.11.2002 йилдаги ажримига асосан ўталмай қолган 1 йил 7 ой 14 кун жазодан муддатидан олдин шартли озод қилинган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 24.05.2005 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 104-моддаси 2-қисми “в, е, к” бандлари, 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан ЖК 59, 60-моддалари тартибида 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг 31.10.2007 йилдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 3 ой 27 кун жазо муддати шу муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 04.03.2013 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 166-моддаси 2-қисми “а” банди, 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖК 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖК 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан



ўта хавфли рецидивист деб топилган, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани [REDACTED]-уйда яшаган, 14.09.2022 йилда ЖПК 227-моддаси тартибида ушланиб, шу туман туман судининг 15.09.2022 йилдаги ажримига асосан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 26.09.2022 йилда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 4-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилган.

ПАА, 24.08.1984 йилда Фарғона вилояти Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилали, муқаддам судланган:

- 1) жиноят ишлари бўйича Фурқат туман судининг 10.06.2016 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 1-қисми, 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 59, 62-моддалари тартибида 1 йил 6 ой 6 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 04.10.2016 йилдаги ажримига асосан 1 йил 6 ой 6 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 21.11.2017 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан ЖК 60, 61-моддолари тартибида 3 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 13.09.2018 йилдаги ажримига асосан ўталмаган 2 йил 4 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖК 74-моддаси тартибида аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман судининг 26.02.2019 йилдаги ажримига асосан ўталмай қолган 2 йил 4 ой 16 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга ЖК 46-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 07.11.2019 йилдаги ажримига асосан ЖК 73-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 8 ой 22 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Фарғона вилояти Боғдод тумани [REDACTED]-уйда яшаган, 14.09.2022 йилда ЖПК 227-моддаси тартибида ушланиб, шу туман судининг 15.09.2022 йилдаги ажримига асосан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 26.09.2022 йилда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилган.

Мазкур ҳукм устидан Бектемир туман прокурори томонидан келтирилган апелляция протестига асосан 1-1010-2202/514-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни



А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра,
-СРАга ЖК 166-моддаси 4-қисми “б” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони махсус тартибли колонияда ўташ, жазо муддатини 14.09.2022 йилдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

-ПААга ЖК 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ, жазо муддатини 14.09.2022 йилдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

Жабрланувчи ЮААга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтириш, 1 дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш белгиланган.

Суднинг ҳукмида белгиланишича, судланувчи СРА 2022 йил 13 сентябрь куни соат 12:00да таниши ПАА билан ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида, олдиндан жиноий тил бириктириб, пухта ўйланган режа асосида ҳаракатланишиб, Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Қўйлик деҳқон бозори” АЖ ҳудудида жойлашган “Мажнунтол” номли овқатланиш шаҳобчасида бўла туриб, ушбу шаҳобчада овқатланаётган ЮААни олдига жиноий шериги ПАА бориб, унга гўёки олдиндан таниш эканлигини айтиб уни чалғитиб, ўзаро суҳбатлашиб турганлигидан фойдаланиб стол устида турган ЮААга тегишли нархи 1.100.000 сўмлик “Samsung 10A” русумли телефон аппаратини қўлга киритиб, жиноий шериги билан бирга шаҳобчадан чиқиб кетаётган вақтларида, ЮАА уларнинг мазкур жиноий ҳаракатларини сезиб қолиб, уларни ортидан бориб телефон аппаратини қайтариб беришини талаб қилишига қарамасдан, воқеа жойидан қочишаётганларида ЮАА томонидан ПАА ушлаб қолинган, СРА эса талончилик йўли билан қўлга киритилган телефон аппарати билан воқеа жойидан яширинганлиги аниқланган.

Прокурор протестида, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи СРАга нисбатан асосиз ЖК 57-моддасини қўллаб, енгил жазо қўлланилгани, бундан ташқари судья, дастлаб, ишни якка тартибда кўриш жараёнида иш ҳужжатлари ЖПК 416-моддаси тартибида айбловни тўлдириш учун прокурорга юборилгани ва жиноят ишини кўриш тўхтатилгани, дастлабки тергов органи томонидан айблов тўлдирилиб, иш ҳужжатлари прокурор томонидан судга юборилгани ва биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўриш қайта бошланиб, ЖПК 13-моддаси 2-қисмига зид равишда суд таркиби ўзгартириб, ишни кўриш ҳайъатда, яъни судья ва икки нафар халқ маслахатчиси томонидан кўриб чиқилганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, А.Салибаевга нисбатан оғир жазо қўллаш ҳақида янги айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Апелляция судлов ҳайъати иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, прокурор М.Комиловнинг протест важларини қувватлаб, уларни қаноатлантириш, суд ҳукмини бекор қилиб, янги айблов ҳукми чиқариш



ҳақидаги хулосасини, судланувчилар СРА, ПАА ва уларнинг адвокати Ш.Қаландарованинг протест важларини рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция протестини қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини бекор қилишни лозим топди.

Биринчи инстанция суди, судланувчи СРА ва ПААларнинг айби, суд мажлисида ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида тўпланган қуйидаги далиллар, жумладан: кўрсатмалари ўқиб эшиттирилган гувоҳ З.Мухашовнинг кўрсатмалари, ариза, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, билдирги, тушунтириш хати, нарсани олиш баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси, юзлаштириш баённомаси, шахсни фотосуратдан таниб олиш баённомаси, нарсани таниб олиш баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотоилловалар ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида ЖПК 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 2-бандида “Ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгаллик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади”, 3-бандида “Айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкани эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг мулкани ошқора талон-торож қилиш талончилик ҳисобланади”, 5-бандида “Ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилик билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади.” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 30-моддасида ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи СРАнинг жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг талончилик, яъни ўзганинг мулкани ўта хавфли рецидивисттомонидан очикдан-очик талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 4-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги



Қарорнинг 1-бандида таъкидланишича:- “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида:- “Жиноят Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи СРАга жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнглидан амалда пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган зарар қоплаб берилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этишини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб инобатга олиб, унга ЖК 166-моддаси 4-қисми “б” банди билан, ЖК 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, тайинланган жазони махсус тартибли колонияда ўташни белгилашни, тайинланган жазо муддати 2022 йил 14 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблашни, СРАга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қолдириш ҳақида асосли хулосага келган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи ПААнинг жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг талончилик, яъни ўзганинг мулкани бир гуруҳ шахслар томонидан очикдан-очик талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилган.

Биринчи инстанция суди, судланувчи ПААга жазо тури ва миқдорини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнглидан амалда пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчига етказилган зарар қоплаб берилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятларда, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этишини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб инобатга олиб, унга ЖК 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташни белгилашни, тайинланган жазо муддати 2022 йил 14 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблашни, СРАга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қолдириш ҳақида асосли хулосага келган.

Биринчи инстанция суди, жабрланувчи ЮААга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Биринчи инстанция суди, ашёвий далил масаласида ЖПК 211-моддаси тартибида, 1 дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш ҳақида қонуний хулосага келган.

Апелляция инстанцияси протестдаги важларни муҳокама қилиб, ишни кўрган таркиб бўйича билдирилган важларни қуйидагиларга асосан қаноатлантиришни лозим топди.



Иш ҳужжатларига кўра, суднинг 08.11.2022 йилдаги ажрими билан 18.11.2022 йилга тайинланган ва 15.12.2022 йилгача судья Ф.Абдушукуровнинг раислигида кўрилиб, судья бошқа ишга ўтиши муносабати билан 15.12.2022 йилдан 27.12.2022 йилгача судья У.Хакимов раислигида якка таркибда кўрилган ва суднинг ЖПК 417-моддаси тартибида чиқарилган ажрими билан иш юритуви тўхтатилган ва иш ҳужжатлари айбловни тўлдириш масаласи бўйича айбловни тасдиқлаган прокурорга юборилган.

Айблов тўлдирилгач, суднинг 23.01.2023 йилдаги ажрими билан ишни кўриш қайтадан бошланиб, суд мажлиси 26.01.2023 йилга тайинланган ва ишни кўриш судья У.Хакимов раислигида ва халқ маслаҳатчилари М.Ходжиматова, Ф.Боймухаметовалардан иборат таркибда кўриб чиқилган.

Ушбу ҳолатда, дастлабки айблов хулосасида ЖК 166-моддаси 3-қисми “б” банди билан айб эълон қилиниб, суднинг ЖПК 417-моддаси тартибида чиқарилган ажрими асосида ўтказилган қайта суриштирув ва тергов ҳаракатлари якунига кўра, СРАнинг ҳаракатларига оид айблов ўзгартирилиб, ЖК 166-моддаси 4-қисми “б” банди билан айб эълон қилинганлиги, суд томонидан ишни кўришни қайтадан бошлаш ажрими асосида янги айблов бўйича, ўта оғир жиноят сифатида халқ маслаҳатчиларидан иборат таркибда бошланганлиги аниқланди.

ЖПК 463-моддасида “*Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текишириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим*” деб белгиланган ва ЖПК 457-моддасида суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ҳал қилиши лозим бўлган масалалар белгиланган.

ЖПК 13-моддаси 1-4-қисмларида “*Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.*

Агар судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси вақтида Жиноят кодекси 15-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишнинг кўрилиши уни якка тартибда кўриб чиқишни бошлаган судья томонидан давом эттирилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади.

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриши жараёнида



келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишида ва ҳукм чиқаришида раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар.” деб белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда, ЖПК 463-моддасида ҳамда 457-моддасида белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган бўлсада, бироқ ЖПК 456-моддаси 1-қисмида “Судья ҳукмни алоҳида хонада, суд эса маслаҳатхонада чиқаради. Бундай пайтда мазкур хонада фақат судьянинг ўзи ёки ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялар ҳозир бўлишлари мумкин. Бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди.” деб белгиланганига кўра, суднинг алоҳида хонада ҳал этиши лозим бўлган масалани халқ маслаҳатчилари иштирокида ҳал этилишини белгилаб, ЖК 13-моддасини қўллаш билан боғлиқ ноаниқликка йўл қўйган.

ЖПК 497²²-моддасида “Процесс иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқлардан маҳрум қилган ёки бу ҳуқуқларни чеклаган ёхуд суд ишининг ҳар томонлама кўриб чиқишига бошқача тарзда халал берган ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришига таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликлар ушбу Кодекс нормаларини жиддий бузиш деб эътироф этилади.

Ҳукм қўйидаги ҳолларда бекор қилиниши керак, агар:

- 1) ҳукмни қонунга хилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;
- 2) судьянинг ҳукмни якка ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришида судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;
- 3) иш судланувчи йўқлигида кўрилган бўлса, бундан ушбу Кодекс 410-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно;
- 4) суриштирув ёки дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишидаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;
- 5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутқи учун сўз берилмаган бўлса;
- 6) судланувчига охириги сўз берилмаган бўлса;
- 7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиши ҳуқуқи бузилган бўлса;
- 8) қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;
- 9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;
- 10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси мазкур ноаниқликни ўз ваколати доирасида бартараф этишни ва биринчи инстанция ва апелляция инстанция суд мажлисларида муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, суд ҳукмини бекор қилишни ва ЖПК 497²²-моддасига асосан айблов ҳукмини чиқаришни лозим топди.

Бунда апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг судланувчилар айбли деб топилаётган қилмиш содир этилганлиги, ушбу қилмиш жиноят деб ҳисобланиши, унинг ҳаракатлари квалификацияси, унинг



жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар; судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши кераклиги ва жазо тури, жазони ўташ тартиби; фуқаровий даъво масаласи, қўлланилган эҳтиёт чораси тақдирига оид масалаларга оид хулосалар билан келишиб, шу асосда айблов ҳукми чиқаришни лозим топди.

Бироқ, биринчи инстанция суди СРАга жазони тайинлашда илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этишини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб инобатга олиб хатоликка йўлга қўйган деб топди.

Жумладан, ЖК 56-моддаси 1-қисми “н”бандида илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этишини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилиши белгиланган бўлсада, ЖК 56-моддаси 4-қисмида ЖК 56-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳолатлар Жиноят Кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаслиги белгиланган. Шунга кўра, апелляция инстанцияси СРАнинг илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлиги унинг ҳаракатларини квалификация қилишдаги зарурий белги сифатида тан олинганлигига кўра, биринчи инстанция судининг СРА томонидан қасддан янги жиноят содир этилганлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш ҳақидаги хулосаси билан қўшилмади.

Бундан ташқари, апелляция инстанцияси протестда, СРА томонидан содир қилинган жиноий ҳаракатларнинг ижтимоий хавфидан келиб чиқиб, унга нисбатан асоссиз ЖК 57-моддаси, яъни енгиллаштирувчи нормани қўлланилганлигига оид важлари муҳокамасида, ушбу масалани биринчи инстанция судида батафсил муҳокама қилинганлигига кўра, муҳокама қилмасликни ва протест важларининг ушбу қисмини рад қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497¹⁷, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларини қўллаб, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 26.01.2023 йилдаги СРА ва ПААга оид ҳукми бекор қилинсин.

СРА Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 166-моддаси 4-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга ушбу модда билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо махсус тартибли колонияда ўташи белгилансин.

Тайинланган жазо муддати 14.09.2022 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

СРАга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

ПАА Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 166-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб



топилсин ва унга ушбу модда билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгилансин.

Тайинланган жазо муддати 14.09.2022 йилдан бошлаб ҳисоблансин.

ПААга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жабрланувчи ЮААга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

1 дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Апелляция протести қисман қаноатлантирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ЖПК 497³⁶-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига кассация тартибида шикоят бериши, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/ Д.Ражабов

Судлов хайъати судьялари: /имзо/ М.Юсупов

/имзо/ О.Мухаммадиев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри _____ судья О.Мухаммадиев

